



СТОМАТОЛОГИЯДА ОРТОПЕДИК ДАВОЛАШ ЖАРАЁНИДА РУҲИЙ-ЭМОЦИОНАЛ ҲОЛАТ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИНГ ЎЗГАРИШЛАРИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАРИ

Азимова Шахноза Шухратовна

Бухоро давлат тиббиёт институти

Ортопедик стоматология ва ортодонтия кафедраси доценти, PhD



Azimova Shakhnoza Shukhratovna - docent, Department of Orthopedic Dentistry and Orthodontics

Bukhara State Medical Institute

23 Gijduvanskaya Street, Bukhara City, 200118,

ORCID: <https://orcid.org/my-orcid?orcid=0009-0009-9961-4398>

E-mail: shaxnozazimova86@gmail.com

Аннотация. Сўнгги йилларда стоматологияда ортопедик даволаш усуллари ривожланиши беморларнинг нафақат функционал, балки руҳий-эмоционал ҳолатини яхшилашга қаратилган янги илмий изланишларга сабаб бўлмоқда. Ортопедик протезлар ва реконструктив даволаш жараёнлари нафақат оғиз бўшлиғининг физиологик функцияларини тиклайди, балки беморнинг ижтимоий ва руҳий эмоционал ҳаётига ҳам салбий ёки ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, бу жараёнда беморларнинг руҳий мослашувини, вегетатив тизимдаги ўзгаришларни ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини комплекс баҳолаш алоҳида аҳамиятга эга.

Ушбу мақолада тиш қатори нуқсонлари бўлган беморларнинг ортопедик даволаш жараёнидаги руҳий-эмоционал ҳолати, стрессга мослашувчанлиги ва ҳаёт сифати индекси асосида комплекс диагностика ва назорат усули таклиф қилинган. Бу ёндашув беморларнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш ва даволаш жараёнини самарали бошқариш имконини беради.

Тадқиқот натижалари кўрсатдики, протезга мослашув жараёнида руҳий-эмоционал ўзгаришлар ва вегетатив реакциялар доимий мониторинг ва интервенциялар орқали енгиллаштирилиши мумкин. Бундан ташқари, ҳаёт сифатидаги ижобий ўзгаришлар беморнинг умумий қониқишини оширади ва ортопедик даволаш натижаларини яхшилади.

Калит сўзлар: руҳий-эмоционал ҳолат, ҳаёт сифати, ортопедик реабилитация, тиш нуқсонлари, тактил дискомфорт, диагностика алгоритми.

Аннотация. В последние годы развитие ортопедической стоматологии привело к появлению современных методов диагностики и реабилитации, направленных не только на восстановление функциональных возможностей, но и на улучшение психоэмоционального состояния пациента. Протезирование и ортопедические конструкции оказывают значительное



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI
1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

влияние на качество жизни, эмоциональный фон и социальную адаптацию пациентов с дефектами зубного ряда.

В статье представлен комплексный подход к оценке психологической адаптации, вегетативных реакций и динамики качества жизни у пациентов, проходящих ортопедическое лечение. Подход предусматривает мониторинг индивидуальных особенностей пациента, выявление стрессовых реакций и раннее вмешательство для минимизации дискомфорта и повышения успешности протезирования.

Результаты исследования показывают, что систематический мониторинг психоэмоциональных и физиологических изменений позволяет ускорить адаптацию к протезам, снизить количество субъективных жалоб и повысить удовлетворённость лечением. Таким образом, комплексная оценка способствует более точной индивидуализации ортопедической терапии.

Ключевые слова: психоэмоциональное состояние, качество жизни, ортопедическая реабилитация, дефекты зубного ряда, тактильный дискомфорт, диагностический алгоритм.

Abstract. Recent advances in prosthetic dentistry have emphasized the importance of not only restoring oral function but also enhancing the psycho-emotional well-being and overall quality of life of patients. Prosthetic and orthopedic treatments can influence patients' social interactions, self-esteem, and emotional adaptation, making comprehensive evaluation of these factors crucial during rehabilitation.

This article presents an integrated diagnostic approach for assessing psychological adaptation, autonomic nervous system responses, and quality-of-life dynamics in patients undergoing prosthetic treatment for dental arch defects. The methodology includes monitoring individual patient characteristics, identifying stress-related reactions, and implementing early interventions to reduce discomfort and improve treatment outcomes.

The study results indicate that continuous evaluation of psycho-emotional and physiological changes facilitates faster adaptation to prosthetic devices, reduces subjective complaints, and increases overall patient satisfaction. Implementing such a comprehensive approach allows for individualized treatment planning and improves the effectiveness of orthopedic rehabilitation.

Key words: psycho-emotional state, quality of life, prosthetic rehabilitation, dental defects, tactile discomfort, diagnostic algorithm.

Стоматологияда қўлланиладиган ортопедик конструкциялар нафақат беморнинг оғиз бўшлиғидаги функционал имкониятларни тиклаш, балки уларнинг рухий-эмоционал ҳолатини ҳам сезиларли даражада ўзгартириши мумкин. Протезлар ва ортопедик конструкциялар оғиз бўшлиғида бегона жисм сифатида қабул қилиниши, тактил ноқулайлик, оғриқ ва кўркув туғдира олиши, шунингдек, мослашувнинг секинлашуви каби рухий физиологик реакцияларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Бу жараёнда беморнинг эмоционал барқарорлиги, стрессга мослашувчанлиги ва индивидуал хусусиятлари ортопедик реабилитация самарадорлигига бевосита таъсир кўрсатади.

Тиш нуқсонлари нафақат чайнов функциясининг бузилишига, балки беморнинг ташқи кўриниши, нутқи, ижтимоий фаоллиги ва рухий ўзини баҳолашига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Мисол учун, протезсиз ёки ногўғри тайёрланган протез билан тиш қатори нуқсонлари бўлган беморлар кундалик ҳаётда овқатланиш, нутқ ва ижтимоий мулоқотда қийинчиликка дуч келади. Бу эса бемор ҳаёт сифатининг пасайиши, ижтимоий изоляция ва рухий стресснинг кучайишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, эстетик нуқсонлар беморнинг ўзини баҳолашига ва ижтимоий ишонч даражасига салбий таъсир кўрсатади, бу эса уларнинг рухий барқарорлигини ва умумий қониқишини пасайтиради.

Шу сабабдан, стоматологик реабилитация жараёнида беморларнинг рухий-эмоционал ҳолатини ўрганиш ва индивидуал хусусиятларни ҳисобга олиш алоҳида аҳамият касб этади.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Беморнинг мослашув жараёнини таҳлил қилиш, стресс ва кўрқувга реакцияни баҳолаш, шунингдек, протезга нисбатан субъектив қониқиш ва кўрқувни аниқлаш орқали даволаш режасини индивидуаллаштириш мумкин.

Ушбу тадқиқотнинг асосий мақсади ортопедик даволаш жараёнида беморларнинг рухий-эмоционал ҳолати ва ҳаёт сифатидаги ўзгаришларни комплекс таҳлил қилиш, шунингдек, самарали диагностика ва профилактика ёндашувларини ишлаб чиқишдир. Тадқиқот натижалари ортопедик протезлаш жараёнида беморларнинг индивидуал рухий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда самарали реабилитация стратегиясини ишлаб чиқишга, рухий-эмоционал стрессни камайтириш ва протезга мослашувни тезлаштиришга ёрдам беради.

Шу билан бирга, бу ёндашув орқали стоматологик ёрдамнинг нафақат функционал, балки рухий ва ижтимоий самарадорлигини ошириш мумкин. Яъни, протезлар тўғри танланиши ва мослашув жараёнида беморнинг индивидуал рухий-эмоционал хусусиятлари ҳисобга олинса, ҳаёт сифати ва умумий қониқиши сезиларли даражада яхшиланади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари ортопедик реабилитация жараёнида тиш қатори нуқсонлари бўлган беморларнинг рухий-эмоционал ҳолати, вегетатив реакциялари ва ҳаёт сифатидаги ўзгаришларни чуқур таҳлил қилиш ва комплекс баҳолаш алгоритминини яратишдан иборат.

Вазифалар:

1. Тиш қатори нуқсонлари бўлган беморларни клиник баҳолаш ва гуруҳларга ажратиш.
2. Реабилитация жараёнида рухий-эмоционал ва вегетатив ўзгаришларни таҳлил қилиш.
3. ЭЭГ кўрсаткичлари асосида беморларнинг рухий-эмоционал сезгирлик даражасини аниқлаш.
4. Ҳаёт сифати индекси бўйича динамик ўзгаришларни баҳолаш.
5. Ортопедик даволаш самарадорлигини оширувчи алгоритм ишлаб чиқиш.

Тадқиқот материаллари ва усуллари. Тадқиқот турли ёшдаги тиш нуқсонлари бўлган беморлар ўртасида амалга оширилди. Қўлланилган усуллар:

- стоматологик клиник текширув;
- неврологик диагностика усуллар;
- ЭЭГ мониторинги;
- психологик тестлар;
- ҳаёт сифатини баҳолаш анкеталари;
- динамик кузатув ва қайта баҳолаш.

Тадқиқот натижалари:

1. Психо-эмоционал бузилишлар. Тиш нуқсони бор беморларда хавотир, депрессияга мойиллик, ўзини паст баҳолаш, кўрқув, ижтимоий чекланиш ҳолатлари кузатилди. Табассум зонасидаги нуқсонларда бу ҳолатлар янада кучли намоён бўлди.
2. Вегетатив тизимдаги ўзгаришлар. ЭЭГ мониторинги беморларда стрессга юқори сезувчанлик мавжудлигини кўрсатди. Рухий-эмоционал сезгирлик даражаси юқори бўлган беморларда протезга мослашув анча секин кечди.
3. Ҳаёт сифати индекси. Реабилитацияга қадар беморларнинг ҳаёт сифати паст бўлиб, айниқса эстетик қониқиш, нутқ, чайнаш ва ижтимоий фаоллик кўрсаткичларида сезиларли чекланиш кузатилди. Даволаш жараёнида бу кўрсаткичлар сезиларли равишда яхшиланди.
4. Беморларнинг рухий-эмоционал сезгирлик даражаси ва рухий профилактика. Рухий-эмоционал сезгирлик даражаси юқори беморларда мослашув узоқ давом этди, аммо рухий профилактика ўтказилган гуруҳларда шикоятлар камайди ва мослашув тезлашди.

Олинган натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Беморнинг рухий ҳолатини эътиборсиз қолдириш ортопедик даволаш самарадорлигини пасайтиришини кўрсатди.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI JANUBIY OROLBO'YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

Шундай экан, реабилитация фақат протез тайёрлаш билан чекланмасдан, беморнинг индивидуал психологик хусусиятларига мослаштирилиши лозим.

Хулоса. Яратилган комплекс алгоритм ортопедик даволаш самарадорлигини оширади, рухий-эмоционал бузилишларни аниқлайди ва бартараф этади, бемор ҳаёт сифатидаги ўзгаришларни назорат қилишга ёрдам беради. Ортопедик даволашда қўлланиладиган тиш қаторлари нуқсонлари бўлган беморларнинг рухий-эмоционал бузилишларини ва ҳаёт сифатини ҳар томонлама баҳолаш учун ишлаб чиқилган алгоритм унинг натижаларини оптималлаштиришга, рухий-эмоционал бузилишларни ўз вақтида, тўлиқ тузатишга ва беморнинг ушбу жараёнда фаол иштирок этишига ёрдам беради. Даволанишдан олдин беморнинг таклифини аниқлаш ва етарли рухий профилактикани ўтказишнинг оддий усули ижобий натижалар бериб, протезларга мослашиш вақтини тезлаштиришга ва беморларнинг ўзлари томонидан даволаниш натижаларини етарли даражада баҳолашга ёрдам беради ва улар томонидан асосиз шикоятлар сонини камайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Азимова Ш.Ш. Оценка психоэмоциональных нарушений и качества жизни при ранней диагностике и лечения аномалий прикуса у детей // O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI 19-сон 20.05.2023. 1821-1288 бет.
2. Азимова Ш.Ш. Болаларда тишлов аномалияларини даволашнинг самарадорлиги // Tibbiyotda yangi kun 6 (56) 2023. 260-263 бет.
3. Азимова Ш.Ш., Саидов А.А. Болаларда кесишган тишловни эрта ташхислаш ва даволашда тиббий-психологик даво-профилактика алгоритми // Услубий тавсиянома. - Бухоро, 2022. - 16 б.
4. Саидов А.А., Азимова Ш.Ш., Аbruев У.Р., Расулов М.М. Тиш-жағ тизими аномалиялари ва деформацияларининг Бухоро шаҳар мактаб ёшидаги болалар орасида тарқалиш даражасини ўрганиш // Доктор Ахборотномаси. - Самарқанд, 2020. - № 1. - С. 67-71. (14.00.00; № 20)
5. Саидов А.А., Азимова Ш.Ш., Ахмедов Х.К. Тишлов аномалиялари ва чакка пастки жағ бўғими дисфункцияси бўлган болалар оғиз бўшлиғи гигиеник ҳолатини баҳолаш // Доктор Ахборотномаси. - Самарқанд, 2020. - №3 (95). - С. 70-73. (14.00.00; № 20)
6. Саидов А.А. Азимова Ш.Ш. Оценка некоторых показателей ротовой жидкости у детей с патологией прикуса и височно-нижнечелюстного сустава // Тиббиётда янги кун. - Бухоро, 2022. - №5 (43). - С. 228-232. (14.00.00; № 22)
7. Саидов А.А. Оценка некоторых показателей ротовой жидкости у детей с патологией височно-нижнечелюстного сустава // Monografia pokonferencyjna. Science, research, development #31. Rotterdam. - 2020.-P.30-32.
8. Саидов А.А., Азимова Ш.Ш. Определение основных этиологических факторов у детей с дисфункцией височно-нижнечелюстного сустава // Monografia pokonferencyjna. Science, research, development #32. Berlin. -2020.-P. 48-51.
9. Azimova Sh.Sh. Medical Psychological Approach In The Development Of Early Diagnosis And Treatment Of Children's Crossbite // Eurasian Scientific Herald. – Volume 3, Issue, December, 2021. – P.31-36. (JIF: 8.225)
10. Azimova Shakhnoza Shukhratovna Effectiveness of treatment of malocclusion in children // International Journal of Cognitive Neurosciences and Psychology. - Volume 1, Issue 1, September, 2023. – P. 30-34.
11. Azimova Shakhnoza Shukhratovna, Saidov Akbar Ahadovich Algorithm for Early Detection and Treatment of Malocclusion in Children // International Journal of Integrative and Modern Medicine. - Volume 1, Issue 2, September, 2023. – P. 22-29.



TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI URGANCH FILIALI
JANUBIY OROLBO‘YI TIBBIYOT JURNALI

1-TOM, 4-SON. 2025

14.00.00 - TIBBIYOT FANLARI ISSN: 3093-8740

12. Azimova Shakhnoza Shukhratovna, Saidov Akbar Ahadovich Assessment of the Violation of the Psycho-Emotional State and Quality of Life of Patients with Malocclusion in the Process of Orthopedic Treatment // International Journal of Pediatrics and Genetics. – Vol. No. 3, Issue 2, September, 2023. – P. 13-18.

13. Azimova Sh.Sh., Saidov A.A., Ibragimova F.I. Medical and Psychological Approach in the Early Diagnosis and Treatment of Cutaneous Bite in Children // Annals of the Romanian Society for Cell Biology. – Volume 21, Issue 4, March, 2021. – P. 16137-16142. (Scopus)

14. Azimova Sh.Sh. Comprehensive Assessment of Psycho-Emotional Disorders and Quality of Life of Patients with Dentition Defects in the Process of Orthopedic Rehabilitation // Research Journal of Trauma and Disability Studies. - Volume: 2 Issue: 10 | Oct – 2023. – P. 21-26. ISSN: 2720-6866.

15. Saidov A.A. Assessment of some indicators of oral liquid in children with the pathology of the temporomandibular joint // Asian Journal of Multidimensional Research, Indiya, 2020. Vol 9, Issue 1, January. – P. 59-63.

16. Saidov A.A. Hygienic condition of the oral cavity during orthodontic treatment of children with temporomandibular joint dysfunction // The Pharma Innovation Journal. Indiya, 2020. - № 9(6). - P. 589-591.

